

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

**ПАЙЗИЕВ ШЕРМАХАМАТ ДАЛИЕВИЧ
ҚАТТИҚ ЖИСМЛИ ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН
НЕОДИМ ЛАЗЕРЛАРИ**

01.04.11 – Лазер физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Пайзиев Шермахамат Далиевич

Қаттиқ жисмли куёш нури билан ишлайдиган неодимлазерлари..... 3

Пайзиев Шермахамат Далиевич

Твердотельные неодимовые лазеры с солнечной накачкой..... 27

Payziyev Shermakhamat Daliyevich

Solar pumped solid state neodymium lasers..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ПАЙЗИЕВ ШЕРМАХАМАТ ДАЛИЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ЖИСМЛИ ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН
НЕОДИМ ЛАЗЕРЛАРИ**

01.04.11 – Лазер физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/FM52 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган. Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (fti-kengash.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ашуров Мухсин Хурамович
физика-математика фанлари доктори, академик

Кодиров Мумин Кодирович
физика-математика фанлари доктори

Нематов Шерзод Каландарович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_14_»_ноябр_____соат 15⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Физика-техника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй, Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «____» _____ даги 22 рақамли реестр баённомаси)

С.Л. Лутпуллаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Қурбанов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида бугунги кунда жадал ривожлананаётган йўналишлардан бири бўлган қуёш нури энергиясини лазер энергиясига айлантирувчи қурилмаларни яратиш соҳасида муҳим физик муаммолардан бири, кенг полосали қуёш спектрини лазер нурига айлантириш самарадорлигини ошириш имконини берувчи маълум физик хоссаларга эга бўлган янги актив материалларни танлаш ва уларни қўллаш жараёнида келиб чиқадиган салбий термик эффектларни олдини олишдан иборат. Шу нуқтаи назардан материалшунослик ва бошқа замонавий оптика ва лазер физикаси соҳасида эришилган ютуқлар асосида қуёш нури энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш жараёнининг янги самарали йўллари тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда қуёш нури билан оптик дамланадиган лазерлар, яъни кенг полосадаги қуёш нурини когерент, монохроматик ва йўналтирилган лазер нурига айлантирувчи қурилмаларнинг муаммоларини тадқиқ қилиш лазер нурининг санаб ўтилган хусусиятлари туфайли қуёш нури энергиясини лазер энергиясига айлантириш, қуёш концентраторлари фокусида олиш мумкин бўлган зичликлардан сезиларли даражада катта бўлган ёруғлик оқимини олиш ва амалиётга қўллаш имконини беради. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан, юқори самарадорликка эга бўлган қуёш нури ёрдамида оптик дамланадиган лазерларни ишлаб чиқиш ва яратиш; материалшунослик ва бошқа замонавий фанлар соҳасида эришилган ютуқлар асосида қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини оширишнинг янги йўллари излаш ва аниқлаш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қуёш нури билан ишлайдиган лазер физикаси соҳасини самарали ривожлантириш борасида турли физик ҳодисалар ва жараёнларни қамраб олган лазер қурилмаларининг бир неча турларини яратишда фундаментал аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада маълум оптик хоссаларга эга бўлган сифатли янги материаллар базасида, ҳамда замонавий талаблар асосида кристалларга қўшимча элементларни киритиш билан самарадорликни ошириш йўллари мукамаллаштириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони асосида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги фундаментал изланишлар натижасида янги технологияларни жорий этиш орқали қуёш нури билан ишлайдиган лазерлар физикаси соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва 2010 йил 15 декабрдаги

ПҚ-1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ўзининг муносиб улушини қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг АТД-4 – «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, нанотехнология, фотоника ва бошқа илғор технологиялар асосида технологиялар ва қурилмалар яратиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Куёш нуруни лазер нурига айлантиришни тадқиқ этиш ва ўзгартириш самарадорлигини бирламчи, иккиламчи концентрация қилувчи тизимларни, световодларни қўллаш, актив муҳитга куёш нуруни самарали ўзгартиришни таъминлайдиган сенсбилизаторларни ва куёш нури частотасини ўзгартириб берувчи бошқа механизмларни киритиш бўйича ишлар илғор давлатларнинг илмий марказларида, университет ва илмий-текшириш институтларида қизғин илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жумладан Institute for Laser Technology (Япония), National Institute for Laser, Plasma and Radiation Physics (Румыния) Tokyo Institute of Technology (Япония), Ben-Gurion University of the Negev (Исроил), Institute of Laser Engineering, Osaka University (Япония), Minia University (Миср), Физико-энергетический институт (Россия), Universidade Nova de Lisboa (Португалия), PROMES-CNRS (Франция), National Research Institute of Astronomy and Geophysics (Миср), Weizmann Institute of Science (Исроил), Technical University of Berlin (Германия).

Қаттиқ жисмли куёш нури билан ишлайдиган неодибли лазерлар яратиш бўйича дунё миқёсида бир қатор долзарб муаммолар ечилган ва қуйидаги муҳим илмий натижаларга эришилган: керамик актив элементларни ишлаб чиқариш технологиясини қўллаш орқали актив ва сенсбилизацияловчи ионлар концентрацияси турлича бўлган янги лазер материаллари олинган лаборатория шароитида куёш нури имитатори билан турли конфигурациядаги лазерларнинг характеристикалари тадқиқ этилган ва лампавий накачка билан катта самарадорликдаги лазер генерациясига эришилган (Япония, Institute for Laser Technology); Лиссабон (Португалия) университетиде световодларни, куёш нуруни лазер нурига айлантириш самарадорлигини оширувчи 2 ва 3 ўлчамли иккиламчи концентрацияловчи тизимларни қўллаш орқали бир қатор янги натижалар олинган; National

¹Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен на основе: <https://worldwidescience.org/topicpages/s/solar+pumped+laser.html> и др. источников.

Institute for Laser, Plasma and Radiation Physics (Румыния)да сенсбилизацияловчи ионлардан актив ионларга энергия узатиш самарадорлигини концентрацияга боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш вақтида бир қатор янги назарий натижалар олинган.

Ҳозирги вақтда ютиш ва генерация бериш хусусияти юқори бўлган янги композит лазер материалларини қидириш, лазерлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи конструкцияларнинг энг мақбул вариантларини аниқлаш, салбий термик эффектларни ва кучайтирилган спонтан нурланишни бартараф этишнинг қулай ечимларини қидириш каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари долзарб бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуёш нури билан дамланадиган (накачка) лазер ҳақидаги биринчи маълумот 1966 йилда эълон қилинган. Ўша вақтдан бошлаб қуёш билан оптик дамланадиган лазерларнинг бир қанча тизимлари амалга оширилди. Бу ишларнинг катта қисмида қаттиқ жисмли лазер материаллари ишлатилган. Уларнинг ичида қуёш билан дамланадиган лазерлар учун энг маъқули таркибида неодиим бўлган кристалл иттрий – алюминийли гранат (Nd:YAG) бўлган. Лекин ўзгартиришнинг максимал коэффиценти атиги бир неча фоизни ташкил этган ва шу сабабли бундан олдинги ишлар, асосан, лазернинг чиқишдаги қувватини оширишга қаратилган эди.

Ўзгартириш коэффицентини яхшилаш мақсадида Cr^{3+} ионини сенсбилизатор сифатида Nd:YAGга киритиш узоқ вақт давомида таъқиб қилинди, чунки бу қуёш нури спектрининг сезиларли қисмини қамраб олиш мақсадида кенг ютиш полосаларини таъминларди. Аммо бу турдаги катта ўлчамли ва юқори концентрацияли фаол муҳитларни ишлаб чиқариш кристалларни ўстиришнинг оддий усулларида самарали эмас эди. Кейинчалик нанотехнологияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Cr^{3+} ионларининг юқори концентрациясига эга бўлган, катта ўлчамдаги қаттиқ жисмли лазер материалларида юқори даражадаги шаффофлик ва бир жинслиликка эришиш имконини берди. 2008 йилда ҳақиқий шароитларда Френел линзаси ва Cr:Nd:YAG керамик лазер муҳитидан фойдаланган ҳолда қуёш лазери тизими намоёиш этилди. Бу T.Yabe бошчилигидаги япон олимлари томонидан амалга оширилган. Тажрибалар 2 метрли (4м^2) Френел линзаси ва ковак кўринишидаги иккиламчи қуёш концентраторларини уёғун бириктириш орқали бажарилди. Аммо дамлаш камерасига тушаётган қуёш нурининг қуввати -1860Втни ташкил қилганида, олинган лазер нурининг чиқишдаги максимал қуввати-80Втни, қуёш нурини лазерга айлантиришнинг дифференциал ФИК эса 4,3%ни ташкил этди.

2013 йилда Лиссабон университети профессори Dawei Liang томонидан 0,9м диаметрли Френел линзасидан қуёш коллектори сифатида фойдаланган ҳолда диаметрлари 4 мм, узунликлари 25 мм бўлган 1,0ат% Nd:YAG монокристалл ва 0,1ат% Cr: 1.0ат% Nd:YAG керамик стерженлар иккиламчи концентратор орқали конус шаклидаги бўшлиқ ичида муқобил оптик дамланди.

Муаллифлар маълум қилишганидек, тажрибада қуёш нуруни лазер нурига айлантириш самарадорлиги бўйича Cr:Nd:YAG керамикасида Nd:YAG актив муҳитга нисбатан бир оз лекин жиддий бўлмаган афзаллик кузатилган. Nd:YAG стержен ҳолида лазернинг максимал қуввати 12,3Вт., Cr:Nd:YAG керамик стержен ҳолида лазернинг максимал қуввати эса 13,5Втни ташкил этган.

Дунё олимларининг олиб бораётган кўп сонли тажрибаларига қарамай бугунги кунда қаттиқ жисмли лазер фаол муҳитларида ҳақиқий шароитларда қуёш билан дамлаш орқали қуёш нуруни лазерга айлантиришнинг максимал самарадорлиги 4%дан кам даражада қолмоқда ва шу сабабли қуёш лазерлари ҳамон ўз тадбиқини топганича йўқ. Шундай қилиб, қуёш нуруни лазер нурига юқори самарадорлик билан айлантириш муаммоси долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институти қошидаги махсус конструкторлик-технологик бюросининг қуйидаги лойиҳалари: № STCU-Uzb121 (2005-2008) “Концентрация қилинган қуёш энергиясини тўғридан тўғри лазер нури энергиясига айлантиришнинг энг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш”, № ФА-А14 Ф0-89 “Катта қуёш печида қуёш билан оптик дамланадиган мульти-элементли лазерни ишлаб чиқиш” (2009-2011), № АЗ-ФА-Ф140 “Қуёш билан оптик дамланадиган лазернинг янги юқори самарадор конструкциясини ишлаб чиқиш” (2012-2014), № АЗ-ФА-Ф045 “Катта Қуёш Печида турли хилдаги актив элементларни синовдан ўтказиш учун мўлжалланган универсал лазер стендини ишлаб чиқиш” (2015-2017) тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қаттиқ жисмли лазер фаол муҳитларининг оптик, термик ва механик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуёш лазерлари тизимида содир бўладиган физик жараёнлар асосида қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлантиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лазерлар фаол муҳитини нақча қилиш вақтида рўй берадиган бир неча марта такрорланадиган қайтиш, синиш, ютилиш, фотолюминесценция жараёнларини моделлаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

қуёш нурунинг бирламчи, иккиламчи концентраторларидан ташкил топган турли конфигурациядаги лазер тизимларининг компьютер моделини ишлаб чиқиш;

қуёш ёрдамида оптик дамланадиган мавжуд лазерларнинг асосий камчиликлари ва афзалликларини адабиётларда келтирилган маълумотлар ва ишлаб чиқилган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазер модели ёрдамида аниқлаш;

самарадор совутиш тизимини ишлаб чиқиш мақсадида фаол муҳит ва лазер тизими конструкциясининг бошқа элементларининг термик характеристикасини ўрганиш;

катта қуёш печининг концентрация қилинган қуёш нури ва шу билан бирга бошқа параболик концентраторлар учун ҳам фаол муҳит ва қуёш нурининг спектр характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган компьютер модели ёрдамида рақамли тажрибалар ўтказиб нақча қилишнинг энг самарадор усулини аниқлаш;

катта қуёш печида (КҚП) узлуксиз режимда ишлайдиган тажриба қурилмаларини ва нақча жараёнини ўрганувчи усулларни яратиш;

турли хил актив муҳитлар, шу жумладан, композит лазер материаллари асосида самарадор лазерларни яратиш имкониятларини тадқиқ этиш;

қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларнинг чиқиш параметрларини ва қуёш энергиясига айлантириш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қаттиқ жисмли таркибида неодиим бўлган актив элементлар, қуёш нурини концентрация қилиб берадиган тизимлар ва лазер резонаторлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини бир неча марта такрорланадиган қайтиш, синиш, ютилишнинг физик жараёнларидан, люминесценция, энергиянинг сенсбилизатор ионларидан актив ионларга узатилишидан, кенг полосали қуёш нури спектри билан нақча қилинганда турли хил актив муҳитдаги лазер нури генерацияси жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида, актив муҳитлар ва қуёш нурининг спектр хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лазер тизимида содир бўладиган тасодикий процессларни рақамли моделлаштиришга асосланган усуллар тадқиқ этилган. Рақамли моделлаштириш Монте-Карло ва нурни тақиб қилиш усулига асосланган. Тажрибаларда стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда замонавий ускуналар: оптик элементларнинг кўрсаткичларини аниқлаш учун қуввати 100 мВт бўлган диодли Nd:YAG лазери, юстировка учун гелий неон лазерларидан, Thorlabs фирмасининг S212 қувват ўлчагичи, визуализатори ва рақамли осциллографлар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир неча бор такрорланадиган қайтиш, синиш, ютилиш, фотолюминесценция жараёнларини моделлаштиришнинг янги услуби ишлаб чиқилган;

биринчи марта Катта Қуёш Печида нурланиш қуввати 80 Вт бўлган лазернинг тажриба намунаси яратилган;

яратилган компьютер моделида концентрацияловчи тизимлар сифатларини киритган ҳолда, қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазер тизимларининг хусусиятларини ўрганиш бўйича рақамли тажрибалар ўтказиш имкони яратилган;

Катта Қуёш Печи ва кичик параболик концентраторларда Nd:YAG, Nd:Cr:YAG, Cr:GSGG лазерларини оптик дамлашнинг энг мақбул усули аниқланган;

илк бор Nd:YAG лазерлари самарадорлигини 30-32% даражага етказиш имконини берувчи қуёш нури спектри частотасини ташқи қайта ўзгартиргичга асосланган янги муқобил ёндашуви ишлаб чиқилган;

Cr:YAG, Ce:YAG Cr:GSGG, Cr:LiCAF, Ti:Сапфир материалларини қуёш нури спектри частотасида қайта ўзгартиргич сифатида ишлатиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қуёш нури ёрдамида оптик дамланадиган лазерлардаги физик жараёнларни моделлаштириш методикаси ва қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазер тизимларининг модели ишлаб чиқилди. Улардан илмий-тадқиқотларда, қуёш билан, лампа ёрдамида ва диодли оптик дамланадиган янги лазерларни ишлаб чиқиш ва яратишда фойдаланиш мумкин. Таклиф этилган қуёш нури спектри частотасини ташқи қайта ўзгартиргичга асосланган ёндашув юқори самарадорликка эга бўлган қуёш нури билан дамланадиган лазерларни ҳамда янги қуёш лазерлари асосидаги технологияларни ишлаб чиқиш ва яратиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги оптика ва лазер физикасининг замонавий усул ва ёндашувларидан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади. Хулосалар лазер муҳитидарўй берадиган бирламчи жараёнларнинг физикавий механизмларини ўрганишга бағишланган назарий ишларнинг базавий ҳолатига асосланган ва бошқа муаллифларнинг олган натижалари билан тўлиқ мос тушади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертация тадқиқоти натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган, қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берувчи қуёш нури спектри частотасини ташқи ўзгартиргичидан фойдаланишга асосланган янги концепциядан ва назарий тадқиқотларни олиб бориш учун ишлаб чиқилган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазер моделидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, таклиф этилган илмий-техник ечимдан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган, янги самарадор технологияларни ишлаб чиқиш ва яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қуёш нури энергиясини лазер нури энергиясига айлантиришнинг турли механизмларини ҳамда GaAs кристали асосидаги актив затворлар ёрдамида ультра қисқа лазер импульсларини олиш имкониятларини тадқиқ қилиш асосида:

Катта Қуёш Печида нурланиш қуввати 80 Вт бўлган лазернинг тажриба намунаси яратилган (Ўзбекистан Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 24 октябрдаги маълумотномаси). Яратилган лазер қуёш лазерларига нисбатан 5 барабар юқори самарадорликка эришиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган янги технологияларни ишлаб чиқиш имконини берган;

$\text{Nd}^{3+}:\text{YAG}$, $\text{Nd}^{3+}:\text{Cr}^{3+}:\text{YAG}$ актив элементлардан фойдаланиб концентрацияланган қуёш нури оқимини лазер нурига айлантириш бўйича олинган натижалар хорижий журналларда (*Opt. Mater. Express* 6, 552-557, 2016, IF : 2.591; *International journal of hydrogen energy* 39(26), (2014): pp.14227-14233, IF: 3.64; *International Journal of Photoenergy*, 2014, IF: 2.37) лазер материалларининг спектроскопик характеристикаларини назарий ҳисоб-китоб қилишда ва қуёш энергиясидан фойдаланиб водород олишнинг янги усулларини яратишда қўлланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш керамик лазер материалларнинг спектроскопик характеристикаларининг назарий йўл билан аниқланган қийматларини ишончлилигини, қуёш энергиясидан фойдаланиб водород олиш самарадорлилигини асослаш каби муҳим натижаларга эришиш имконини берган;

GaAs кристалли ночизикли оптик хоссаларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган модель ва таклиф этилган янги ёндашувлар хорижий журналларда (*Optics and Spectroscopy* 119, no. 2 (2015), IF: 0.644; *Optics and Spectroscopy*, vol. 115, issue 3 (2013), IF: 0.673; *Optics and Spectroscopy* 121(5):710-712, 2016, IF: 0.716) пассив синхронизация жараёнини тадқиқ қилишда қўлланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш $\text{Nd}:\text{YAG}$ лазерларни самарали пассив синхронизация қилиш ҳамда A_3B_5 кристалларнинг оптик ютилиш коэффициентларининг ҳароратга боғлиқлигини батафсил тадқиқ қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мазуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 18 та илмий мақола, уларнинг 14 таси нуфузли халқаро ва 4 таси республика журналларида, 10 та маъруза халқаро ва республика конференцияларининг тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 90 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 88 та расм ва 3 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари аниқланган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича қисқа маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Муаммонинг ҳозирги кундаги аҳволи”** деб номланиб, ушбу бобда қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш соҳасидаги тадқиқотлар бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган. Қуёш нури энергиясининг лазер нурига айлантирилишидаги асосий муаммо самарадорликнинг ўта паст даражада экани аниқланди. Қуёш ёрдамида дамланадиган лазерлар самарадорлигини ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур деб хулоса қилинди:

– Қуёш билан дамланадиган мавжуд лазерларнинг (Nd:YAG лазерлар, александритли лазерлар $\text{Cr}^{3+}:\text{BeAl}_2\text{O}_4$, Ce:Nd:YAG лазерлар) самарадорлигини оширишнинг конструкторлик ечимларни қидиришни талаб этади, масалан лазер материалларининг композит структураларидан фойдаланиш, концентрацияловчи тизимлар самарадорлигини ошириш ва бошқалар.

– Сенсibiliзаторлар (Cr:Nd:YAG, Cr:Nd:GSGG, Cr:Nd:YSGG ва бошқа турдаги актив элементлар асосидаги лазерлар)дан фойдаланиб қайта айлантириш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари қидириш ёки ташқи частота ўзгартиргичларини қўллаш (Nd:YAG, Ce:Nd:YAG лазерлари, масалан $\text{Cr}^{3+}:\text{YAG}$, $\text{Cr}^{3+}:\text{GSGG}$, $\text{Cr}^{3+}:\text{YSGG}$, $\text{Cr}^{3+}:\text{LICAF}$, $\text{Cr}^{3+}:\text{LISAF}$, $\text{Ti}^{3+}:\text{Сапфир}$ ва бошқа қуёш нури частотасини ўзгартирувчилари билан).

Диссертациянинг иккинчи боби **“Лазер моделнинг тавсифи ва иссиқлик эффектларни ҳисоблаш усуллари”** деб номланиб, ушбу бобда қуёш нури билан дамланадиган лазерларнинг ишлаб чиқилган статистик модели тавсифи берилган, актив элементнинг иссиқлик характеристикалари ва иссиқлик сабабли юзага келадиган линза эффектини ҳисоблаш учун ифодалар келтириб чиқарилган. Мазкур диссертация ишида асосан, мақбул ечимларни аниқлаш мақсадида турли конструкциядаги лазер моделларига, шу билан бирга қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазернинг макет ва тажриба намунасидан фойдаланилган ҳолда олинган назарий ва амалий тадқиқотларга асосланган усуллардан фойдаланилган.

Диссертацияда кўриб чиқилган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазер схемасини моделлаштириш Монте-Карло усули ва нурни таъқиб қилиш (Ray-tracing method) усулидан фойдаланган ҳолда бажарилган. Бир неча марта такрорланадиган қайтиш, синиш ва ютилиш жараёнлари уч ўлчамли координаталарда моделлаштирилган. Бошқа адабиётларда фойдаланилган моделлардан фарқли ўлароқ мазкур моделга, частота қайта ўзгартиргичидаги ютилиш жараёнидан кейинги ихтиёрий йўналишдаги 4π фазовий бурчак доирасидаги нурланиш жараёни ҳам киритилган. Ютилиш ва нурланиш жараёнлари орасидаги кечикишнолга тенг деб олинган, чунки бу кўрсаткич лазер узлуксиз режимда ишлаган вақтида у қадар муҳим эмас. Моделда актив муҳит ва қуёш спектрининг ютилиш спектридан ташқари, частота қайта ўзгартиргичининг ютилиш ва нурланиш (тарқатиш) спектридан ҳам фойдаланилади.

Моделнинг асоси кесишиш нуқталарининг кетма-кетлигини, гемотрик оптика ва қайтиш, синиш, ютилиш ва фотон чиқариш каби бошланғич жараёнларни Монте-Карло усули ёрдамида аниқлашдан иборат. Моделлаштиришнинг охириги натижаси актив мухитда ютилган, инверс жойлашувни юзага келтиришда иштирок этадиган фотонлар улушидан, яъни нақча самарадорлиги η_p дан иборат. Ушбу катталиқдан кейинги босқичларда чиқишдаги лазер нури қувватининг тушаётган қуёш нури қувватига боғлиқлигини баҳолашда, тўрт сатхли лазер учун маълум бўлган ифодадан ҳисоб-китоблар ўтказишда фойдаланилади

$$P_{out} = (\gamma_2 / 2\gamma) \eta_p (P - P_{thr}) \quad (1)$$

бу ерда γ_2 чиқиш кўзгусининг ўтказиши ҳисобига юзага келадиган логарифмик йўқотишлар 2γ резонатордаги тўлиқ йўқотиш (total round-trip loss), P_{out} , P , P_{thr} -мос равишда лазернинг чиқишдаги қуввати, нақча қуввати ва порог қуввати. Қуйида ишлаб чиқилган лазернинг асосий қисмларига тариф берамиз.

Фотонни ҳаракатга келтириш. Шунинг таъкидлаш муҳимки, бизнинг моделданур аксарият нурни таъқиб қилиш усулида ишлатиладиган фотонлар пакетига қарама-қарши битта ягона фотондан ташкил топган. Бу кўп марталаб қайтиш ва синиш жараёнларини моделлаштиришда оғирлик коэффицентларидан фойдаланишни бартараф этиб модели соддалаштиради.

Моделнинг бошланғич босқичида қуёшдан келадиган дастлабки йўналиш ўрнатилганидек, фотоннинг пароболик концентратор сиртидаги бошланғич вазияти ўрнатилади. Модель жойлашувни аниқлаш учун фазодаги декарт координаталар системасининг ўрта тасодифий координаталари билан бирга, қуёш диски билан чегараланган фазовий бурчак бўйича тарқалиш йўналишини аниқлаш учун ўрта тасодифий йўналтирувчи косинуслардан ҳам фойдаланади.

Тўлқин узунлиги ва ютилиш коэффицентини танлаш. Тўлқин узунлиги қуёшнинг спектр интенсивлигидан қуйидаги интеграл тенгламани ечиш орқали аниқланади:

$$\xi = \int_0^{\lambda} I_{AMO}(\lambda) \frac{\lambda}{hc} d\lambda \quad (2)$$

Бу ерда $I_{AMO}(\lambda)$ берилган тўлқин узунлиги λ [нм] АМО қуёш нурининг нормалаштирилган спектрвий интенсивлиги [Вт/м²/ нм], ξ [0,1] оралиғидаги тасодифий сон.

Ютилиш узунлигини танлаш. Ютилиш узунлиги - l фотоннинг актив мухитда ёки частота ўзгартиргичида ютилишигача босиб ўтган йўли.

Ютилиш узунлигини танлашда тескари тақсимот усулидан ва Бугер-Ламберт қонунидан фойдаланилди

$$l = -\frac{\ln \xi}{\mu} \quad (4)$$

Бу ерда ξ тасодифий сон ва μ берилган тўлқин узунлигида ютилиш коэффиценти.

Қадам ўлчамини ва фотон кўчишини танлаш. Қадам ўлчами r – фотоннинг иккита кесишиш нуқталари орасидаги саёҳатининг масофаси. Тизим сиртининг бирор қисмида энг яқин кесишиш нуқтасини аниқлаш учун нур тенгламаси сирт юзаси тенгламасига қўйилиб r га нисбатан ечилади. Қадам ўлчами танлаб олиниши билан, фотон йўналтирувчи косинуслар билан аниқланадиган йўналишда r масофага тарқалади, фақатгина ютилиш рўй бермаслик шарт билан.

Ютилишни моделлаштириш. Ютилиш узунлиги ва қадам ўлчами берилган, биз ютилиш қаерда содир бўлишини билмоқчимиз. Ютилиш фотон ютувчи муҳитда ютилиш узунлигига тенг бўлган масофани ўтиб бўлганида рўй беради. Моделда қадам ўлчами ва ютилиш узунлиги ҳар сафар кўчишдан олдин, ютилиш қайси нуқтада содир бўлишини аниқлаш мақсадида, солиштирилади. Агар ютилиш узунлиги қадам ўлчамадан кичик бўлса, охиргиси ютилиш узунлиги билан алмаштирилади ва охирги кўчиш бажарилади. Шундан сўнг координаталар эслаб қолинади ёки белгилаб қўйилади (у ерга пикселни жойлаш билан) ва фотонни тақиб қилиш шу билан якунига етади. Агарда ютилиш узунлиги қадам ўлчамадан кичик бўлмаса, ютилиш узунлигининг катталиги қадам ўлчамага камайтирилади ва фотонни тақиб этиш давом этади. Тақиб қилиш жараёни фотон ютилгунига қадар ёки тизимни тарқатгунича давом этади.

Қайтиш ва синиш жараёнларини моделлаштириш. Биз алоҳида фотонни кўриб чиқаётганлигимиз сабабли, у ёки қайтиши ёки синиши мумкин. Шу сабабли, бу жараёнларни моделлаштириш учун биз қуйидаги ёндашувлардан фойдаланамиз:

Аслини олганда, қайтариш коэффиценти ҳам ёруғликнинг тушиш бурчагидан ҳамда унинг қутбланишига боғлиқ. Қуёш нури қутбланмаганлиги туфайли, биз қуёш нурининг иккита қутбланиш ҳолати (s ва p) учун қайтариш коэффицентининг ўртача қийматидан фойдаландик. Икки жараёндан қайси бири рўй бераётганлигини аниқлаш мақсадида, тасодифий ξ сони генерация қилинади ва юқорида қайд этилган қайтариш коэффиценти R_{ref} билан солиштирилади. Агар $\xi < R_{ref}$ бўлса қайтиш аксинча рефракция танланади ва янги йўналтирувчи косинуслар белгилаб олинади.

Фотон нурланишини моделлаштириш. Фотон чиқариш жараёни, тақиб қилинаётган фотон, тизимда кўп марталаб қайтиш васиниш жараёнларидан ўтганидан сўнг, частота ўзгартиргичга етиб бориб унда ютилганида содир бўлади. Бу ҳолда модел тезлик билан ютилган фотон ўрнига, юқорида тарифланган тўлқин узунлигини қуёш спектридан аниқлаш усулига ўхшаш усул билан, частота ўзгартиргичининг нурланиш спектрига мувофиқ, янги тасодифий қийматли тўлқин узунлигидаги янги фотонни чиқаради. Охирги координаталар ўзгаришсиз қолади. Бироқ йўналтирувчи косинуслар, 4π стерадиан фазовий бурчак оралиғида қабул қилинган ихтиёрий катталиклар билан янгиланади. Сўнгра фотонни тақиб қилиш,

фотон ютилгунича ёки тизимдан чиқиб кетгунича давом этади. Қаралаётган жараёнлар статистик табиатга эга бўлганлиги туфайли, қанча кўп фотон кўриб чиқилса, хатолик шунча кичик бўлади. Шундай қилиб моделнинг якуний натижаси актив муҳитда ютилган фотонларнинг нисбий улуши бўлиб, бу эса оптик дамлаш самарадорлигининг ўзидир.

Ишлаб чиққан моделимизнинг ишлаш лаёқатини ва олинган натижаларнинг ишончлилигини текшириш мақсадида, адабиётларда келтирилган мавжуд лазерлар моделлаштирилди. Таққослаш натижаларининг бир бирига аъло даражада мос тушишини кўрсатди, бу эса ишлаб чиқилган моделимизнинг лаёқатини ва олинган натижаларнинг ишончлилигини, ва ундан янги юқори самарадорликка эга бўлган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва кўрсаткичларини мувофиқлаштиришда фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Ушбу диссертация иши доирасида, лазер нурининг чиқишдаги қувватини чегараловчи турли омилларни таҳлил қилиш ва қайд этишмақсадида, жумладан турли геометрияга эга бўлганактив муҳитларнинг иссиқлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун махсус ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди. Қаттиқ жисмли лазерларнинг мавжуд камчиликларидан бири иссиқлик линза эффекти бўлиб, у лазер нури дастасининг кенгайишига ва бунинг натижасида қувват зичлигининг камайишига олиб келади. Шу сабабдан ушбу эффектни ўрганиш, бирлик юзага тушаётган максимал чиқиш қувватини баҳолаш учун жуда муҳимдир. Ушбу мақсадда лазер стержнидаги иссиқлик линза эффектини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди. Бунинг учун нур ҳаракат йўлини ва фокус масофасини ҳисоблаш мақсадида мос аналитик ифода келтириб чиқарилди.

«Катта қуёш печида ишлайдиган лазерни ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда катта қуёш печида (КҚП) лазер яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси келтирилган. Катта қуёш печида энг мақбул нақча қилиш схемасининг вариантини ва лазер конструкциясини танлаш мақсадида КҚПда лазер нурини самарали генерация қилиш имкониятлари ишлаб чиқилган моделдатурли актив элементлар учун (Nd:YAG, Nd:Q98, Nd:Cr:YAG) ҳисобларни амалга ошириш ва нақча қилиш схемасининг бир нечта усуллари кўллаш орқали, кенг кўламда таҳлил қилинди. Фойдаланилган конструкцияларнинг температуравий режимлари, Nd:YAG, Nd:Q98, Nd:Cr:YAG каби актив элементлардаги, ҳамда актив элементларнинг композит вариантларидаги иссиқлик линза эффекти тадқиқ этилди.

Стержен шаклидаги Nd:Cr:YAG керамик актив элементларни оптик дамлашнинг энг кўп самара берадиган схемасига эришиш имкониятларини ўрганиш бўйича ўтказилган рақамли тажрибалар шуни кўрсатдики, КҚП шароитида иссиқлик линзасининг фокус узунлиги иссиқлик юкламасива актив элементнинг ўлчамлари билан аниқланади. Nd:Cr:YAG керамик актив элементлар КҚП шароитида мўътадил ишлаши учун қуёш радиацияси интенсивлигини марказий текисликка шундай қайта тақсимлаш керакки, доғ

ўлчамини ошириш орқали, актив элементнинг 200мм узунлигига тушадиган иссиқлик юкламаси 3кВтдан кам бўлиши керак. У ҳолда КҚП қуёш оқимитўлиқ энергиясидан самарали фойдаланиш учун актив элементлар узунлиги ва сонини ошириш зарур бўлади. Композит актив элементлардан тузилган лазерлар конструкциясини ўрганиш энг юқори ютилиш самарадорлигига Nd:Cr:YAG композит актив элементида фойдаланилганда эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланиб 1-расмда кўрсатилаган лазер стенди ишлаб чиқилди ва яратилди. Яратилган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазер стенди лаборатория шароитидаги дастлабки синовлардан сўнг, КҚП қуёш оқимининг юқори зичликлари шароитида ишлаши мумкинлигини текшириш мақсадида КҚП фокал текислигига ўрнатилди.




**1-расм. КҚП фокусига
жойлаштирилган лазер модулининг
йиғилган кўриниши.**

Тажрибалар ҳар хил узунлик ва диаметрдаги актив элементлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Накачка учун қуёш нури оқимининг марказий қисмидан фойдаланилди, чунки биринчи яқинлашишда бу қисмда интенсивлик бир текис тақсимланган деб қабул қилиш мумкин. Тажрибаларда мульти-элементли тўғри бурчакли иккиламчи концентратордан (ИК) фойдаланилди. ИК ички юзасининг қайтариш коэффиценти ~80% ташкил этади.

Ишлаб чиқилган лазер тизимининг ишлаш қобилиятини ва унда генерация олиш мумкинлигини синаш мақсадида битта актив элемент билан тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар қуёш нури оқимининг айтарли катта бўлмаган зичликларида бажарилди. Тажрибаларда қуёш нури оқимининг интенсивлиги калориметрия усулида аниқланди. Лазер нурининг чиқишдаги қуввати, 10Вт максимал қувватларни ўлчашга мўлжалланган РМ212 қувват ўлчагичи ёрдамида амалга оширилди. Катта қувватларда, лазер нури қувватини сусайтириш учун қайтариш коэффиценти 80 ва 90% бўлган лазерни чиқарувчи кўзгулардан фойдаланилди. 2-расмда лазер нури чиқишидаги қувватнинг қуёш нури оқимининг интенсивлиги I_0 ва 5 элементли иккиламчи концентратор кириш апертурасига тушаётган қуёш оқим қувватининг 1/5 қисмига боғлиқлиги келтирилган. Мазкур актив элемент учун қуёш нури энергиясини лазер нурига айлантатиш коэффиценти ~1% ташкил этди.

Расмда кўриниб турганидек, чиқиш кўзгусининг қайтариш коэффиценти 90% бўлган ишчи ўлчамлари $\varnothing 6 \times 130$ мм бўлган битта

кристаллдан олиш мумкин бўлган максимал қувват 200Вт ни ташкил этади. Олинган ушбу натижалар асосида ишчи ўлчамлари $\varnothing 10 \times 130$ мм бўлган стержннинг чиқишдаги кўрсаткичлари баҳоланди (2-расм). Шундай қилиб, кўриб ўтилган иккиламчи концентратор конструкцияси учун ишчи ўлчамлари $\varnothing 10 \times 130$ мм бўлган 5та Nd:YAG актив элементидан олиш мумкин бўлган максимал қувват ~ 1.5 кВтни ташкил этиши мумкин. Иккиламчи концентратор ўлчамларини ошириш ва фокус доғининг ўлчамлар билан таққослаб бўладиган узунликдаги керамикавий лазер материалларидан фойдаланиш, чиқишдаги қувватни ва қуёш нуруни лазер нурига айлантириш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.



2-расм. Лазер нури чиқиш қувватининг кириш қувватига ва қуёш нури оқимининг интенсивлиги I_0 га боғлиқлиги, чиқиш кўзгусининг қайтариш коэффициенти 90% бўлган Nd:YAG актив элемент учун. Квадратлар – ўлчами $\varnothing 6 \times 150$ мм ва ишчи узунлиги 130мм бўлган стержн учун тажрибада олинган натижалар. Штрихли чизик – ишчи ўлчамлари $\varnothing 10 \times 130$ мм бўлган стержн учун олинган ҳисоблаш натижалари.

Nd:YAG актив elementi учун олинган натижаларни инобатга олиб, биз Nd:Cr:YAG керамикавий актив элементларнинг чиқишдаги кўрсаткичларини баҳолаш ишларини ўтказдик. Ҳисоблаш ишлари ва тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, КҚП фокус доғи диаметрининг ўлчамлари билан таққослаб бўладиган ўлчамдаги мульти-элементли иккиламчи концентраторлардан мос ўлчамлардаги Nd:Cr:YAG керамик стержнлардан фойдаланиш 20кВт гача бўлган якуний қувватни бериши мумкин.

КҚП концентрацияланган қуёш оқимида оптик дамланадиган керамик Nd:Cr:YAG диск лазерини яратиш имконияти тадқиқ этилди. Юқори-фаоллаштирилган, керамик Nd:Cr:YAG диск лазерининг янги конструкцияси таклиф этилди ва $\sim 25\%$ ўзгартириш самарадорлигига эришиш мумкинлиги кўрсатилди.


Тўртинчи боб “Қуёш ёрдамида оптик дамланадиган юқори самарадор лазерларни яратиш имкониятларини тадқиқ этиш” деб номланади. Ушбу бобда лазер конструкцияларининг самарадор вариантларини ишлаб чиқиш ва яратиш мақсадида, оптик дамлашнинг турли схемалари, жумладан КҚПнинг алоҳида гелиостатларида ва кичик парабола кўринишидаги концентраторларда лазерлар яратиш вақтида қўл келадиган бўйлама оптик дамлаш усули тадқиқ этилди.

Юқорида қайд қилингандек, икки карра активланган лазер материаллардан, хусусан Cr:Nd:YAG, Cr:Nd:GSGGлардан фойдаланиб лазерлар самарадорлигини ошириш бўйича олимларнинг катта сай

ҳаракатлари ҳозирча мувоффақиятли натижа берганича йўқ. Шу вақтга қадар ўтказилган қатор тажрибаларда самарадорликнинг сезиларли бўлмаган даражадаги яхшиланиши кузатилди ва уларда таъкидланишича, иссиқлик юкламаси, кенг полосали қуёш нури билан нақчка қилиш вақтида Cr:Nd:YAG лазерининг кўрсаткичларига таъсир этувчи асосий омил сифатида белгиланган. Аммо, бу тажриба натижалари Cr:Nd:YAG актив элементида ютилган қувватнинг 3-4-марта ошиб кетиши ҳисобига юзага келадиган қўшимча иссиқлик юкламаси Nd:YAG дагига нисбатан алоҳида муаммони юзага келтириши ва шу билан бирга стержн шаклидаги актив элементдан фойдаланилган конфигурация бу тажрибаларда самарали совутишни таъминлай олмагани шароитларида ўтказилган. Маълумки лазернинг актив элементига тушадиган ортиқча иссиқлик юкламаси, лазер йўли люминесценциясининг сўниши, термик йўналтирилган линза эффектининг вужудга келиши ва ҳатто лазер генерациясининг тўлиқ йўқолиши ёки актив элементнинг бузилиши каби жиддий муаммоларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари ютилиш самарадорлигининг ошиши, нақчканинг кўндаланг схемасида энергиянинг асосий қисми актив элементнинг сиртига яқин жойларида ютилишига, бу эса ўз навбатида паразит генерациянинг кучайишига олиб келади. Бу ҳол стержен кўринишидаги актив элементлардан фойдаланишда махсус чоралар кўришни, масалан ён сиртларни нақшлаш ёки композит актив элементлардан фойдаланишни талаб этади. Шундай экан, юқорида кўрсатилган тажриба натижалари Cr:Nd:YAG актив элементлари қуёш билан нақчка қилиш вақтида юқори самара бериш имкониятига қарши далил бўла олмайди. Шу сабабли, Cr:Nd:YAG ва Cr:Nd:GSGG ҳам кичик иссиқлик ўтказувчанлиги ва иссиқлик эффектлари эҳтимоллигининг юқорилиги туфайли эга бўлган бири-бирига ўхшаш муаммони ечиш мақсадида биз диск конфигурациясидан фойдаланишни таклиф этдик. Шу йўл орқали қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларда иссиқлик юкламаларини осонлик билан олишни таъминлаш ва юқори самарадорликка эришиш мумкин. Шундай қилиб Nd:Cr:YAG керамик актив элементларидан ва диск шаклидаги Cr:Nd:GSGGлардан фойдаланиб кичик парабола шаклидаги қуёш концентраторларида самарадор лазерлар яратиш имконияти рақамли тажрибалар усули билан тадқиқ этилди. Диск лазерининг икки хил варианты кўриб чиқилди: бир ўтишли ва икки ўтишли оптик дамлаш схемаси. Бир ўтишли схемада лазер нурининг чиқишдаги қувватининг қуёш нури қувватига боғлиқлиги баҳолаш учун тўрт сатҳли лазерлар учун қўлланиладиган маълум ифодадан, икки ўтишли ҳолда эса мос ифодалар икки ўтишли конфигурациянинг ўзига хос хусусиятларини ва актив кўзгуни инобатга олган ҳолда келтириб чиқарилди.

Лазер нурининг чиқишдаги тўлиқ қуввати иккала ҳолда ҳам 35%ли конверсия самарадорлигига эришиш мумкинлигини кўрсатди (3-расм). Бунда актив элементнинг ҳарорати 100°C дан ошмаслиги кўрсатилди, ва шу сабабли иссиқлик эффектларининг таъсири муҳим аҳамият касб этмайди. Икки

Ўтишли схема қуёш оқимининг кичик зичликларида самаралироқ, бу айниқса яққол 3-расмда кўриниб турипти. Икки ўтишли схемадан каскадли қуёш лазерларини яратишда ҳам фойдаланиш мумкин. Айни вақтда, қуёш нури оқимининг етарлича катта зичликларида лазер схемаси бир ўтишли тузилишининг соддалиги муҳим афзаллик бўлиб ҳисобланади. Диск кўринишидаги Nd:Cr:GSGG актив элементлардан фойдаланиш шуни кўрсатдики, кўриб ўтилган лазер схемаларида айлангириш самарадорлиги 30% гача етиши мумкин.



3-расм. Диаметри 1м бўлган парабола кўринишидаги концентраторда чиқишдаги қувватнинг лазерни оптик дамлаш қувватига боғлиқлиги, фокусдан ташқарида, Nd:Cr:YAG диск актив элемент диаметри 2см ва қалинлиги 2мм бўлган ҳол учун. 1-бир ўтишли схема учун, 2-икки ўтишли схема учун.

Белгилаб оламизки, Nd:Cr:YAG учун олинган натижалар, хона ҳароратида Nd:Cr:YAGдаги сенсабилизатор ионлари ўз энергияларини самарали усулда актив ионларга ўзатади ва бирдан-бир муаммо бу қўшимча иссиқлик юкламаси деган фараз асосида олинган. Бу натижалар 2011 йилда нашр этилган эди. Бироқ охириги 6 йил ичида Nd:Cr:YAG қуёш ёрдамида оптик дамланадиган диск лазерлари бўйича тажрибалар ҳақида маълумотлар эълон қилинмади. Бошқа тарафдан биз томонимиздан ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Nd:Cr:GSGGдан фарқли ўлароқ Nd:Cr:YAGда Cr ионларининг люминисценция спектри YAG кристаллидаги Nd ионларининг ютилиш спектри билан кесишиши унча яхши эмас ва шу ҳолда ҳам бир қатор илмий ишлар муаллифларининг таъкидлашларича юқори самарадорликдаги сенсабилизация кузатилган, буни эса энергияни Cr ионларидан Nd ионларига узатишни энергия узатишнинг маълум механизмлари доирасида, YAG матрицасида Cr иони люминисценция спектри формасининг ҳароратга боғлиқлигини инобатга олмай туриб тушунтириб бўлмайди. Маълумки, ҳарорат ошиши билан YAG матрицасидаги Cr ионининг люминисценция спектрикатта тўлқин узунликлари томонга силжийди, у соҳада Nd ионлари кенг ютилиш полосасига эга. Бу сенсабилизация самарадорлигининг ошишига олиб келади. Лекин бу ҳолда пастки ишчи сатҳларнинг термик бандлашуви натижасида лазернинг кўрсаткичлари ёмонлашади. Бу ҳолда лазернинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида, актив элементнинг ҳароратини шу даражада ушлаб туриш керакки, пастки ишчи сатҳларнинг термик бандлашуви лазер генерацияси кесимида кучли таъсир этмасин ва бир вақтнинг ўзида самарали сенсабилизация амалга ошсин, агарда бу ҳолат ҳақиқатдан мавжуд бўлса у ҳолда қуёш билан накачка қилиадиоптик

дамланадиган лазер самарадорлиги 35% эмас, балки камроқ бўлади. Бошқача айганда Nd:Cr:YAG муаммоларини ҳал қилиш учун тадқиқотлар олиб боришни давом эттириш зарур. Шу сабабдан, Nd:Cr:YAG учун таклиф этилган ечим тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслигидан қатъий назар, биз қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини оширишнинг муқобил йўллари қидирдик ва бошқа оддийроқ ечимини топдик. Шундай қилиб, агарда Nd:Cr:YAG самарасиз бўлиб чиқса, у ҳолда энг яхши ечим сенсабилизаторни актив ионларда ажратиш бўлиши керак. Яъни Cr³⁺YAGдан лазер актив муҳити Nd:YAGдан алоҳида ҳолда фойдаланиш лозим. Агар хона ҳароратида нурланиш спектри Nd:YAGнинг ютиш поласалари билан яхши кесишмайдиган Cr³⁺YAGдан эмас, балки бошқа GSGG, YSGG, LICAF, LISAF каби кристалл матрицалардаги Cr³⁺дан, ёки Ti³⁺:Сапфирдан ташқи частота ўзгартиргичи сифатида фойдаланилса (frequency converter, аниқроғи, frequency down-shifter) бундан ҳам яхшироқ бўларди. Қуйида бу тадқиқотларнинг натижалари келтирилади.


Қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини, ташқи частота ўзгартиргичларидан фойдаланиш орқали ошириш имкониятларини тадқиқ этиш. Тадқиқотлар биз ишлаб чиққан моделдан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Моделлаш ишлари диаметри 1м ва фокус масофаси 0.5м бўлган парабола кўринишидаги қуёш концентраторлари учун бажарилди. Фокал текисликдаги композит актив муҳитнинг бўйламасига оптик дамлаш схемаси кўриб чиқилди. Чиқиш кўзгуси парабола кўринишидаги концентраторнинг марказига, композит актив муҳитнинг конус кўринишидаги олд кесим юзаси рўпарасига ўрнатилди, 100% кўзгу вазифасини актив муҳити стержнининг қарама-қарши учигаги кўп қатламли қайтарувчи диэлектрик қатлам бажаради.

Кўриб ўтилган композит актив муҳитли схема 4-расмда келтирилган. У икки қисмдан ташкил топган:

Асосий қисм, сув билан совутиладиган, ички сиртига кумуш қоплама суртилган метал трубка билан ўралган, диффузия усули билан монокристалларни ёки керамик материалларни бириктириш орқали тайёрланган YAG/Nd:YAG композит актив муҳитидан иборат;

Ўрнатиладиган қисм, алоҳида сув билан совутиш тизимига эга бўлган қуёш спектрининг парабола кўринишдаги частота ўзгартиргичи.


Актив муҳитнинг ён томонлари тўлиқ ички қайтишни таъминлаш учун сайқаланган ва ўнг кўндаланг кесими 1064нм тўлқин узунлигидаги генерацияни юқори даражада қайтарувчи ва 900нмдан кичик бўлган тўлқин узунлигини ўтказувчи қопламага эга. Ўрнатиладиган қисмдаги частота ўзгартиргичининг парабола шакли оқимни у частотаси ўзгартирилган (частота бўйича пасайтирилган) фотонларнинг тўлиқ ички қайтиш бурчаги билан чегараланган бурчак апертураси билан шакллантириш талабидан келиб чиққан ва бу узатишдаги йўқотишларни камайтириш учун хизмат қилади. Парабола шаклидаги частота ўзгартиргичининг ташқи сирти кумуш қоплама билан қопланган.



4-расм. Частота ўзгартиргичли лазер схемаси

Сифат жиҳатдан таҳлил ва таққослаш учун 5-расмда спектрлар келтирилган. Расмдан кўриниб турганидек, Cr:GSGGнинг нурланиш спектри ва Nd:YAG ютиш полосасида ўзаро мосликни ва бошқа тарафдан Cr:GSGG ва Nd:YAGларнинг ютиш спектрларидаги нисбатан кучсиз кесишишни кузатиш мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, актив ва сенсабилизацияловчи ионларнинг ютилиш спектрлари орасидаги кесишиш икки марта активлаштирилган лазер материалларининг камчиликларидан биридир. Бу камчилик сенсабилизацияловчи ионлар спектрнинг, сенсабилизацияловчи ионлар бўлмаганида актив ионлар ютиши мумкин бўлган бир қисмини ютишисабабли келиб чиқади.



5-расм. 1-куёш нурининг стандарт спектри, 2- Nd:YAG ютиш спектри, 3, 4- мос равишда Cr:GSGGнинг ютиш ва нурланиш спектри.

